

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ДК “Соғлиқни Сақлаш Бош бошқармаси
хўжалик ҳисобидаги тиббий курик бўлими”
А.А.Рахимов

тасарруфидаги
Директори



БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг маъмуни;

- 1.Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- 2.Техник қисм
- 3.Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ. Электрон регистратура: Беморлар окимини тартибга солишга хизмат килади. Хар бир врачнинг вақтини назорат қилишнинг онлайн тизими

Электрон тиббий карта: Беморнинг олдинги келагн вақтларини куриш, кўйилган ташхислар, диспансер рўйхатга олишлар ва хоказо маълумотларни куриш имконини беради. Реал вақт режимида езилган йуланмалар, лаборатор текширувлар, функционал диагностик текширувлар (УТТ, томография) хакида оператив маълумот олиш имкониятини беради.

«Поликлиника» модули: врачларга реал вақт режимида беморлар хакида тулик маълумот олиш, маълумотларни киритиш, тахрирлаш, анализ қилиш хамда коғозга чоп қилиш имкониятини беради.

«Стационар» модули: стационар даволаниш бўйича беморларнинг ягона базасини тўплаш имкониятини беради, койкалар сонини, банд ва буш жойларни назорат қилишни, беморларни булимдан булимга ўтказишни, госпитализация базасини юритишни, беморлар хакидаги маълумотни поликлиника врачларига юборишни, электрон тиббий карта билан ишлаш имкониятларини беради.

«Параклиника» модули: автоматик равишда курсатилган параклиник хизматларни юритиш имкониятини беради, бемор маълумотларини куриш, хужжатларни анализ қилиш ва ёзиш учун кетадиган вақтни анча қисқартириш имкониятини беради. Утказилган текширувлар натижаларини киритиш ва уларни автоматик равишда поликлиника хамда сатционар врачларига ўзатиш имкониятини беради.

Лаборатория информацион тизими: клиник-диагностик лабораторияси мутахассислар ишини автоматлаштиради, текширувларни қайталанишини олдини олади, беморларни рўйхатга олиш вақтини камайтиради, текширувлар учун кетган харажатларни хисоб-китобини юритади, текширувлар натижаларини тарқатишда вақтни тежайди.

Бажарувчи дастурни ўрнатгандан кейин Буюртмачи худудида Буюртмачи тиббий ходимларини компьютер саводхонлиги хамда дастур билан ишлашга, дастурда ишлаш, беморлар базасини юритиш, маълумотларни тулдириш хамда ўзгартириш йулларини ўқитишни ўз бўйнига олади.

1.2 Танлов охириги қиймати -250 000 000(икки юз эллик миллион)сўм.Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича қолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида.

1.5Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 ДК “Соғлиқни Сақлаш Бош бошқармаси тасарруфидаги хўжалик ҳисобидаги тиббий кўрик бўлими” (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади.)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили ;Тошкент шаҳар.Миробод туман .А.Тимур-6.

2.2.Танлов “Буюртмачи “томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов ДК “Соғлиқни Сақлаш Бош бошқармаси тасарруфидаги хўжалик ҳисобидаги тиббий кўрик бўлими” “Буюртмачи “томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда.белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 4 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қўйилади.

Танлов предмети қийматининг камида 30 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси .ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги.

Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик –муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги (тавсияномалар илова қилинсин);

Компьютер саводхонлиги бўйича ўқитиш учун лицензия мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда)

Низом маблағи миқдори .

3.3.агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса. Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши .қўшилиш)туғатиш ёки банкротлик арафисида турганлар ;мол-мулки мусодара қилинганлар.хамда муассислик келишув .молиявий иштирок .холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар “бююртмачи “ва “иштирокчи”ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов хужжатларида қуйидаги тақдим этилиши лозим;

Техник қисм “бююртмачи “томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми.Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида.хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган .номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этилишлари лозим.

4.4.Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар;

Техник таклиф .Фирменний бланкада имзоланган номерланган ва мухрланган холда;

Техник хужжатлар руйхати (брошюралар.техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

4.5.Танлов иштирокчиси;

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунига қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқиқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган белгиланган тартибда ёлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ёлиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтириш керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидалари танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун – мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларини тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларини тақдим этиши шарт.

7.5. Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди.

- зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- қайта ташкил этиш тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган ;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;
- харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган

7.6. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ДҚ Директори:



А.А.Рахимов